

Закот ҳақдорларга қандай бўлинади? | Фиқҳ дарслари (322-дарс)



19:00 / 26 марта 394

Закот тўплашни ва унга кимлар ҳақдор эканини ўрганиб бўлдик. Закот тўпланди, ҳақдорлар аниқланди.

Энди уни бўлиш масаласи қандай ҳал қилинади?

Агар бугунги кунимиз эътибори ила оладиган бўлсак, ҳозир қуллар йўқ. Аммо уларнинг ўрнига мусулмон асиirlар қўйилиши мумкин. Кўпгина жойларда закотчилар ҳам йўқ. Мол эгасининг ўзи ёки унинг вакили беради. У ҳолда закотчи улуши ҳам тушиб қолади.

Қадимда уламоларимиз закотни тақсимлаш масаласида «Бир синфга берилса бўладими?» ёки «Ҳамма синфга бериш шартми?» ёки бўлинганда «Ҳаммасига тенг бўлинадими?» каби саволларга турлича жавоб берганлар.

Бу жуда ҳам табиий бир ҳол. Бу иш ҳар замоннинг ва маконнинг шароитига қараб ечилиши лозим бўлгани учун ҳам, Қуръон ва Суннатда асосий ўналишлари кўрсатиб қўйилиб, тафсилотлари мусулмонларнинг уламоларига ҳавола қилинган. Улар ўз замонлари, маконлари шароитидан келиб чиқиб, асосий қоидаларга суюнган ҳолда жузъий масалаларни ечаверадилар.

Бас, закотни барча синфларга ёки баъзисига мулк қилиб берилади.

«Мулк қилиб бериш», дегани ўша берилаётган мол олувчига мулк бўлмагунча закот бўлмайди, деганидир.

Демак, закот бериш тўғри бўлиши учун закот берувчи томонидан у ҳақдорларга мулк қилиб берилиши керак. Фойдаланиб туришга ёки таомлантириш йўли билан берилган нарса закот бўлмайди. Ҳанафий мазҳаби бўйича, мажнун ва ёш болага закот бериб бўлмайди.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда

... وَإِنَّمَا كُوَّةً لِلرَّبِّ ...

«...**Ва закотни беринг...**» деган. Бу эса мулк қилиб бериш билан событ бўлади.

Яна Аллоҳ таоло: «**Албатта, садақалар фәқирларга**», деган. «Садақа қилинди», дегани «бировга бир нарсани мулк қилиб берилди», деганидир. «Фәқирларга», дегани ҳам араб тили қоидасида мулк маъносини билдиради. Ўша иборада «тамлик ломи», яъни «мулкни ифодаловчи лом» деб номланган «лом» ҳарфи ишлатилган.

Ушбу масалани тўлиқ ўрганиб чиққан уламоларимиз хулоса тариқасида қуидагиларни айтадилар:

1. Агар закотга тушган мол кўп бўлса, барча синфдаги ҳақдорларга бериш керак. Мавжуд бўлиб турган ҳақдор синфлардан бирортасини маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.
2. Ҳамма синфларга тенг бўлиш ҳам вожиб эмас. Балки бунда ҳолатга қаралади. Мисол учун, бир юртда мингта фәқир, юзта қарздор ва ўнта ибн сабийл бўлиши мумкин. Албатта, тушган закотни учга бўлиб уч синфга берилмайди, эҳтиёжга қараб тақсимланади.
3. Закотни баъзи синфларгагина бериш ҳам жоиз. Бу ҳам шароитга қараб бўлади. Шунингдек, бир синфга оид ҳақдорларнинг ҳаммасига бир хил миқдорда мол бериш ҳам шарт эмас. Ҳолат ва эҳтиёжга қараб турлича бўлиши мумкин. Албатта, бу хилда тақсимлашда ҳавои нафс амри эмас,

шариат амри, адолат юзасидан қараңаш йўли устун туради.

4. Мискин ва фақирлар синфи ҳаммадан олдин туради. Чунки закотнинг биринчи навбатдаги ҳақдорлари ўшалар. Закотдан тушган маблағни фақир ва мискинларни қўйиб, бошқа харажатларга ишлатишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

5. Агар закот идораси, закотчилар бўлса, улар учун саккиздан бир улушдан ортиқ молни олиб бўлмайди.

6. Закот оз миқдорда бўлса, бир синфга, балки бир шахсга берган маъқул. Чунки оз нарсани кўпчиликка тарқатилганда закотдан кўзланган мақсад ҳосил бўлмайди. Озга тарқатилганда эса оз бўлса ҳам, мақсад ҳосил бўлади.

«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли холосаси асосида чоп этилган.